



ТЎҚИМАЧИЛИК САНОАТИ КОРХОНАЛАРИНИ БОШҚАРИШДАГИ РИСК ВА МЕХАНИЗМЛАРНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

Худайназарова Дилором Хайруллаевна

Мухаммад ал-Хоразмий номидаги

Тошкент ахборот технологиялари университети

Аннотация. Мазкур мақолада тўқимачилик саноатида рискларни бошқариш механизмларининг илмий ва назарий асослари келтирилган бўлиб, унда жаҳон олимлари томонидан ўрганилган жиҳатлари ҳамда хусусиятларининг наноиқтисодий даражага қадар эволюцион ўзгаришлари ёритилган.

Калит сўзлар: тўқимачилик саноати рисклари механизмлари, риск хусусиятлари, рисклар таркиби ва фаолиятдаги таъсири.

ТЕОРЕТИЧЕСКИЕ ОСНОВЫ РИСКА И МЕХАНИЗМЫ УПРАВЛЕНИЯ ПРЕДПРИЯТИЯМИ ТЕКСТИЛЬНОЙ ПРОМЫШЛЕННОСТИ

Худайназарова Дилором Хайруллаевна

Университета информационных

технологий имени Мухаммада аль-Хоразмий

Аннотация. В данной статье представлены научно-теоретические основы механизмов управления рисками в текстильной промышленности, а также освещены эволюционные изменения аспектов и свойств, изучаемых мировыми учеными вплоть до наноэкономического уровня.

Ключевые слова: механизмы риска текстильной промышленности, характеристики риска, структура риска и влияние на деятельность.

THEORETICAL FOUNDATIONS OF RISK AND MANAGEMENT MECHANISMS FOR TEXTILE INDUSTRY ENTERPRISES

Khudaynazarova Dilorom Khayrullayevna

University of Information technologies named

after Muhammad al-Khwarizmi

Annotation. This article presents the scientific and theoretical foundations of risk management mechanisms in the textile industry, as well as highlights the evolutionary changes in aspects and properties studied by world scientists up to the nanoeconomic level.

Keywords: risk mechanisms of the textile industry, risk characteristics, risk structure and impact on activities.

Кириш. Тўқимачилик саноатини ишлаб чиқаришсиз бугунги кунга келиб тасаввур қилиб бўлмайди. Тўқимачилик саноати тарихи меҳнатталаб иш фаолияти саналсада, XVIII асрга қадар қўл меҳнатидан уй шароитида ўсимликларга ҳамда ҳайвонларнинг териларига ишлов бериш орқали олиб борилган. Мазкур саноат тармоғининг асосий етакчи ишлаб чиқарувчи Шарқий мамлакатлар, яъни Форс, Хитой, Миср сингари худудлар саналган.

Мазкур мамлакатларнинг барчаси тўқимачилик саноатининг етакчилигини юритишда қудратли мамлакатларнинг ҳудудларини катта қисмини тижоратини эгаллаган бўлсада, доимо рискда фаолият олиб борганлар. Форсий мамлакатларнинг ўта рангли ва бошқа мамлакатларнинг матоларига қараганда нисбатан қалин матоларни ишлаб чиқариши иссиқ ўлкаларда қийин сотилар, аммо узоқ йилларга хизмат қилиши билан халқ ишончини қозонган эди.

Тўқимачилик саноати жаҳон иқтисодиётида технологик ва инновацион жиҳатдан доимо етакчилик қилиб келувчи саноат тармоғи саналади. Инсонларнинг талаб ва эҳтиёжларининг чексизлиги матолар ва уларни комбинациялашда, шунингдек тармоқнинг функционал турли таклифларга бой эканлиги юқори даражадаги сегментлашни юзага келтиради. Доимо ўзгарувчан талабларни бошқариш янгилик ва ижодий қараш тақозо этиши мазкур саноатнинг технологик ва инновацион илгарилувчи қудратини янада орттиришга бевосита хизмат қилади.

Адабиётлар шарҳи.

Тўқимачилик саноатида экологик маҳсулотлар ишлаб чиқариш, маҳсулот таннархини пасайтириш ва бозорларда барқарор таъминот манбаига айланиш, тежамкор технологиялардан фойдаланган ҳолда талаб ва эҳтиёжларни қондиришда самарали техник-иқтисодий усулларни ахтариш тобора фаоллашиб бориши натижасида биологик хусусиятларга эга матолар оммалашди. Тўқимачилик саноатида ишлаб чиқаришда “яратиш” тушунчаси дастлаб инновацион, сўнгра рақамли ва ҳозирда интеллектуал технологиялар авлодини ривожланишига туртки бўлди. Бунинг натижасида бир нечта соҳа ва тармоқлар унумли фойдалана олди, жумладан тиббиётда ортопедик маҳсулотлар, инсон танаси ҳароратини кўрсатиб турувчи либослар, беморнинг мунтазам ҳолати борасида маълумот бериб борувчи махсус либослар, дизайн-интерьерда кўёш нурига мослашган ҳолда ёруғликни хонага киришини таъминловчи датчик пардалар, озиқ-овқат саноатида музлатгич қоплар сингари жиҳатлари билан ўзининг долзарблигини касб этади.

Ҳар бир тўқимачилик саноати маҳсулоти инсониятни иситиш, ўзини енгил ҳис этиш, эстетик ва гигиеник аҳамиятга эга бирламчи эҳтиёжларни қондириш саноатидан бири саналади. Уни санъат намунаси, маданий буюм, фидойилик белгиси, анъанавий меърос, дресс-корд, технологик маҳсулот сифатида ҳам кўриш мумкин. Тўқимачилик саноати маҳсулотлари билан атроф-муҳитимиз бизни ўраб турар экан, унинг маҳсулотларининг ўзгариши замон, дид ва дизайн ҳамда ранглар мажмуаси билан ифодаланишига боғлиқ тарзда узлуксиз ўзгариб боради. Узлуксиз ўзгарувчан маҳсулотларни ишлаб чиқариш ўзига хос “риск”ларни келтириб чиқаради.

Риск тушунчаси қадимги юнон тилида “ридса” (ridza) сўздан келиб чиққан бўлиб, “қоя” деган маънони англатади ҳамда денгизчилар орасида бу қароқчилар томонидан уюштирилган қопқон сифатида “хавф”ли ифодасига урғу берган.

Адам Смит (1991) ўзининг “Халқлар бойлиги сабаблари ва табиати” (Inquiry into the Nature and Causes of the Wealth of Nations) номли китобида тадбиркорлик фаолиятини юритишда риск танловларининг ҳар бир тадбиркор учун доим инobatга олиши лозим бўлган жиҳат эканлигини таъкидлаган ҳолда қуйидагиларни баён этган: “Асосий даромад меъёри доимо рискларнинг ўсиш суръати билан ўзагаради.”

Риск тадбиркорлик фаолиятдан саноат ишлаб чиқариш фаолиятига қадар инobatга олиниши бошланганида молия ходимларидан кўра муҳандис ва математиклар кўпроқ жалб этилишига интилиш XIX асрнинг иккинчи ярмига келиб оммалашди. Бунга асосий туртки сифатида рискни ноаникликдан фарқлаш борасидаги амалий рисола ва мақолалар бўлди. Жумладан, австриялик иқтисодчи-олим намоёндаларидан бири Мизеснинг (2009) “Пул назарияси ва муомала воситалари” номли 1912 йилда нашр қилинган китобида унинг риск орқали йўқотишларни ҳисоблаш прогнози келтирилган.

Хайекнинг (1992) “Куллика йўл” номли китобида ишлаб чиқаришда асосий устунлик кўпроқ маълумотга эга бўлиш ва рискларни кўпроқ сўндириш борасида билимга эгалик қилиш сифатида таъкидлаган.

Шумпетер (2011) таваккалчилик ва риск тушунчаларини ажратиш масаласига айнан саноатлаштириш ва тадбиркорликни кенгайтириш туртки бўлган бўлиб, таваккалчилик деганда-ноаниклик шароитида тадбиркорлик фаолиятини юритиш саналса, риск деганда-

эҳтимолли йўқотишлар ва кўзда тутилмаган ҳолатларни инобатга олган ҳолда фаолият юритиш сифатида тавсифланган.

XX асрнинг биринчи ярмида инглиз иқтисодчи-олими А.Маршалл 1979 йилда “Саноат иқтисодиёти”, 1892 йилда “Саноат иқтисодиёти элементлари”, 1919 йилда “Саноат ва савдо” номли китоблари нашрлари орқали тадбиркорлик фаолиятидаги рискларни таваккалчиликка асосан олиб борилишини ҳамда даромадни эҳтимолли миқдор сифатида аниқлашга қаратилган неоклассик назарияга асос солди¹²⁵.

Шунингдек, инглиз иқтисодчи-олими Пигу (2009) “ишлаб чиқаришнинг ўзгариши” (Industrial Fluctuations), “ишчилик назарияси” (The Theory of Unemployment), иқтисодиётнинг стационар ҳолати (The Economics of Stationary States), “иш билан бандлик ҳамда мувозанат” (Employment and Equilibrium) сингари назарий асосларини 1920 йилда нашр қилинган “Фаровонликнинг иқтисодий назарияси” номли китоби ва кейинги том китобларида неоклассик иқтисодиётда “Пигу самараси” остида барча рискларни қамраб олган жиҳатларни ҳамда мувозанатни таъминлашдаги иқтисодий омилларни математик жиҳатдан асослаб берди.

Ливия иқтисодчи олими Насим Талеб (2022) ўзининг 2007 йилда нашр қилинган “Қора оққуш” номли китобида хеджинг ва унинг опционларини кенг ёритишда “Штанга” стратегиясига асос солган. Унга кўра, рискларни суғурталаш, яъни хеджинг механизми нақд пул бозоридаги (маҳсулотлар, қимматли қоғозлар, валюталар) ва фьючерс бозоридаги қарама-қарши мажбуриятларни мувозанатлашдан иборат. Унинг мазкур стратегияси моҳияти рискларни бошқаришда рискларни қарши олиш ва унга тайёр туриш фаолиятини йўлга қўйиш, шунингдек у корхонада келтириб чиқариши мумкин бўлган тартибсизликларни бошқариш механизмларини рискларнинг келиб чиқиши ва уни сўндириш базасидан мужассамлаштирилган маълумотлар тўпламидан самарали фойдаланишни математик моделлаштириб кўрсатган.

Америка иқтисодчи олими Найт (2003) томонидан 1921 йилда нашр қилинган “Риск ва таваккалчилик тушунчаси”, “Риск, таваккалчилик ва даромад” номли китобларида илгари сурилган ғоялар натижасида ишлаб чиқариш ва тадбиркорлик фаолияти банклар томонидан тобора қўллаб-қувватланиши давомида рискни ҳисобга олиш ва унинг учун банклар томонидан шартли тўловлар жорий этилишига олиб келди. Бунинг оқибатида суғурта фаолияти ҳам ривожланиб борди. Юқорида келтирилган иқтисодий асарларида (Найт, 2003) рискни икки кўринишини ажратган:

1. Рисклар объектив эҳтимоллик кўрсаткичи саналади ва уларни суғурталаш мумкин.
2. Рисклар таваккалчилик оқибатида тадбиркор ўзининг йўқотишлари учун кўзда тутилмаган харажатларни шакллантириш лозим бўлган эҳтимоллик кўрсаткичи.

Тадқиқот методологияси.

Ушбу мақолада тўқимачилик саноати корхоналарини бошқаришдаги риск ва механизмларнинг назарий асосларини ўрганиш, қиёсий солиштириш, статистик маълумотларни ўрганиш ва иқтисодий жиҳатдан таққослаш ва таҳлил қилиш, мантиқий фикрлаш, илмий абстракциялаш, маълумотни гуруҳлаш, анализ ва синтез, индукция ва дедукция усулларида кенг фойдаланилган.


Таҳлил ва натижалар муҳокамаси.

Рискларни ҳисобга олиш натижасида ишлаб чиқариш фаолиятини молиясини бошқаришда “кўзда тутилмаган харажатлар” учун алоҳида миқдор шакллантириладиган ва бу даромаднинг энг юқори 10%га қадар ҳисобга олинмаган ўзгаришларни келтириб чиқарди. Шунингдек, банклар томонидан ишлаб чиқарувчилар билан алоқаларни мустаҳкамлаш мақсадида маълум муддатга қадар ойлик бадал тўлаш эвазига йўқотишларни қоплаш учун маҳсус таклифларни ишлаб чиқди.

Рискларни баҳолаш усуллари риск бошқаруви назариясида муҳим босқич саналиб, бунда асосий ҳиссани қўшган француз математик олимлар Б.Паскаль ва П.Фермалар саналдилар. Улар эҳтимоллар назариясига асосан рискни моделлаштиришга муваффақ бўлишди. Бернулли тенграмаси орқали статистик танловлар асосида рискларни баҳолаш усули рискларни бошқариш механизмларини шакллантиришга асос солди. Шу аснода рискларни бошқариш

¹²⁵ <https://seinst.ru/page480/>

назариясини уч асосий баҳолаш усуллари орқали рақобатбардошлиликни ва барқарорликни оширишда катта аҳамият касб этди: нафлилик назарияси, регрессия ва диверсификация. Рискларни бошқариш механизмлари учун рискларни босқичларга ажратилиши хизмат қилди. Дастлабги босқич-рискларни номаён бўлиши ва уларни баҳолашнинг эҳтимолли кўрсаткичларини инobatга олган ҳолда максимал йўқотишларни ҳисобга олиш кўламини аниқлаш саналади. Иккинчи босқич номаён бўлган рискларни бошқариш усуллари ва воситаларини танлаш босқичидир. Ушбу босқичда алгоритмлаш, даврлаштириш, дастурлаш ҳамда таснифлаш сингари муҳим математик инструментарийдан фойдаланилади. Учинчи босқич рискларни бошқариш мақсадида стратегияларни ишлаб чиқиш ва қўллаш эҳтимолли йўқотишларни олдини олиш мақсадида экспериментал ва таваккалчилик асосида қўлланилади. Тўртинчи босқич учинчи босқичнинг реализацион қисми саналади. Бунда экспериментал стратегик қўлланишлар мустасно бўлиб, кейинги босқич учун муҳим аҳамият касб этади. Сўнги босқич эришилган натижаларни риск-стратегияларни қўллашда йўл қўйилган хатолар ва инobatга олинмаган жиҳатлар тўғри йўналтирилади ва қайта баҳоланади.



1-расм. Риск бошқаруви механизми ¹²⁶


1-расмда келтирилган риск бошқаруви механизмини 1994 йилда ахборот иқтисодиёти асослари фани асосчиси Д.Хаббард ўзининг «Wiley’s How to Measure Anything: Finding the Value of Intangibles in Business» китобида риск бошқарувини иқтисодий категория сифатида ажратган ҳамда унинг таснифини берган. Унга кўра риск категориясининг техник, ташқи, ташкилий ва лойиҳа бошқарувида бўлиши назарда тутилади. Унинг кенгайтирилган категориал тасрифланиши ўз ичига технологиялар, ишлаб чиқарувчиларнинг сифат бошқарувига муносабати, талаблар ва уларнинг бажарилиши ҳолатлари, мижозлар, шартномалар ва бозор

¹²⁶ Hubbard D. The Failure of Risk Management. Why It’s Broken and How to Fix It. “John Wiley & Sons Limited” 1994 у, 407 р.

сингари жиҳатларни узлуксиз назоратини олиб бориш, лойиҳанинг ҳаётийлиги, логистика, ресурслар ва унинг учун бюджетнинг шаклланиши, шунингдек узлуксиз рискларни баҳолаш ва уларни назорат қилиб боришни қамраб олади.

Рискларни қарши олиш ва унга тайёр туриш фаолиятини йўлга қўйиш, шунингдек у корхонада келтириб чиқариши мумкин бўлган тартибсизликларни бошқариш механизмларини рискларнинг келиб чиқиши ва уни сўндириш базасидан мужассамлаштирилган маълумотлар тўпламидан самарали фойдаланишни математик моделлаштириш замон талабидир. Риск бошқарувини “штанга” стратегияси асосида юритиш фақатгина оғир йўлдан юришга даъват ва йўқотишларни тўғри ҳисобга олишга қаратилган бўлиб, унинг асосида кўплаб корхоналарнинг риск бошқарувига муносабати рискларни муносиб қарши олиш ва уни тадқиқ этган ҳолда даф этишга қаратилган.

Рискларни бошқаришда сўнгги йилларда стратегиялар йўқотишларни олдини олишга эмас, балки самардорликка, инқирозга қарши эмас, балки барқарорликка ҳамда техник йўқотишларни эмас, технологик воситаларнинг иқтисодий унумдорлигига қаратилмоқда. Россиянинг Санкт-Петербург иқтисодиёт ва бошқарув академияси иқтисодчи олими В.А.Кунинг томонидан ишлаб чиқилган “Ишлаб чиқариш саноати самардорлигига риск бошқарувининг ижобий таъсир” моделида рискнинг бошқарувининг ривожланиши ва уни тизимлаштириш юзасида қарашларни намоён этган (2-расм).



2-расм. Ишлаб чиқариш саноати самардорлигига риск бошқарувининг ижобий таъсир модели¹²⁷

Юқорида келтирилган моделнинг асосий моҳияти шундаки, ишлаб чиқариш фаолиятининг самардорлигини ошириш ва риск бошқаруви ўртасидаги муносабатлар аксил таъсирга эга бўлиши корхонанинг барқарорлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади. Шунга кўра, унинг учун синалган ва корхонага мос стратегияни қўллаш тавсия этилади. Бу каби стратегиялардан фойдаланишда ғирром иқтисодиётдан нари ҳолда бошқариш талаб этилади.

Хулоса ва таклифлар.

Рискларни бошқариш механизмларини тараққий эттиришда риск фаолиятини триггерлаш муҳим аҳамият касб этади. Бунда асосан кўплаб муаммоларнинг бир ечим остида ҳал бўлиши назарда тутилади. Жумладан, маълум бир корхона маҳсулотларини риск кўрсаткичини ҳисобга олишда қонуний асосларни чуқур ўрганишни талаб этади. Бу рискларни

¹²⁷ Кунин А. Управление рисками промышленного предпринимательства (теория, методология, практика). — СПб.: Изд-во Санкт-Петербургской академии управления и экономики, 2011. — 184 с.;

сўндириш, рискларин бошқариш ҳамда рискларни лойиҳалаштириш сингари тушунчалар билан боғлиқ бўлиб, унинг асосий устунлиги корхонада мавжуд ходимларнинг маҳсулот намунаси устида индивидуал тарзда техник тадқиқотлар олиб борилиши натижасида муваффақиятга эришишдан иборат саналади.

Рискларни бошқариш тўқимачилик саноатида доимо мавжуд бўлиб, мазкур аксиоматика тўқимачилик саноати маҳсулотларини рискларини сўндириш мақсадида навларга ажратган ҳолда ишлаб чиқариш фаолиятини кенгайтиришга қаратилган. Тўқимачилик саноати корхоналарини риск бошқаруви механизмларини ўзгарувчан иқтисодий шароитда ўзгарувчанлик характерли жиҳати саналган стратегияларни жалб этиш оммалашди. Бунинг натижасида рискларни баҳолаш юзасидан кўплаб соҳа вакиллари ўзларини стратегияларини ишлаб чиқиб, уни амалга ошириш фаолияти тараққий этиб борди.

Тўқимачилик саноатида ишлаб чиқаришни барқарорлигини таъминлашда бевосита рақибларни ҳисобга олиш ҳамда рискларни тизимлаштирилган схемаларини аниқлаш риск бошқарув хусусиятларини механизмлар орқали ифодалашда кенгайиб боришига хизмат қилди. Бу ўз навбатида баҳолаш усулларини қўллаш билимини ва унинг илмий асослигини изчиллигини оширган ҳолда риск бошқарув фаолиятини алоҳида фан сифатида ўрганилишига замин яратди.

Адабиётлар/Литература/Reference:

Iminova N. A., Khudaynazarova D. Kh., Priority Directions of Economic Risk Management in the Sphere of Communication and Informatization in the Process of Formation of Information Society in Uzbekistan. International Journal of Innovative Technology and Exploring Engineering (IJITEE) ISSN: 2278-3075, Volume-8, Issue-7S, May 2019, p.197-206

Блауг М. Мизес, Людвиг Е. (2009) фон // 100 великих экономистов после Кейнса = Great Economists since Keynes: An introduction to the lives & works of one hundred great economists of the past. — СПб.: Экономикс., — С. 196—199. — 384 с.

Блауг М. Фрэнк Х. Найт // 100 великих экономистов после Кейнса = Great Economists since Keynes: An introduction to the lives & works of one hundred great economists of the past. — СПб.: Экономикс, 2009. — С. 215—218. — 384 с.

Василева Е.Е. История и современность концепции риска в экономике. Международный научный журнал "Инновационная наука", №4/2015, 30-32 стр.

Джон К. Халлгуен. Глава 26.4. Процентные деривативы: стандартные рыночные модели: Европейские свопционы // Опционы, фьючерсы и другие производные финансовые инструменты = Options, Futures and Other Derivatives. — 6-е изд. — М.: «Вильямс», 2007.

Найт Ф. Х. (2003) Риск, неопределенность и прибыль / Пер. с англ. — М.: Дело., — 360 с.

Смит А. (1991) Исследование о природе и причинах богатства народов // Антология экономической классики: В 2 т. — М., 1991

Талейб, Гольдштейн, Шпицнагель, 2022, Шесть ошибок руководителей компаний при управлении рисками, с. 41-50.

Ф. А. Хайек (1992) Пагубная самонадеянность. Ошибки социализма. — М.: Изд-во «Новости» при участии изд-ва «Catallaху», — 304 с.

Шумпетер Й. (2011) Глава 4. Альфред Маршалл (1842—1924) // Десять великих экономистов от Маркса до Кейнса = Ten Great Economists: From Marx to Keynes. — М.: Институт Гайдара, — С. 138—161. -400 с.